



ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КАПИТАЛИНИНГ ЕТАРЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Ибодуллаев Шоҳбоз

Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг
мустақил изланувчisi

Email: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3885-711X

TOPICAL ISSUES OF ENSURING CAPITAL ADEQUACY OF COMMERCIAL BANKS

Ibodullaev Shokhboz

Tashkent State University of Economics
independent researcher

Email: sh_ibodullayev@mail.ru

ORCID: 0000-0002-3885-711X

Аннотация. Тиҷорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаши уларнинг тўловгага қобиллигини таъминлашининг зарурӣ шарти ҳисобланади. Шу сабабли, тиҷорат банклари капиталининг етарлилиги пруденциал банк назоратининг асосий обьектларидан бири ҳисобланади. Бундан ташқари, 2008 йилнинг тўртинчи чорагида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тиҷорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган меъёрий талабларни ошириши заруриятини юзага келтирди. Натижада, Базель қўмитаси ўзининг “Базель-III” стандартида тиҷорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган меъёрий талабларни ошириди. Хусусан, капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган меъёрий талаблар таркибига капиталнинг ҳимоявий консервация буфери бўйича, капиталнинг контрициклик буфери бўйича янги талаблар қўшилди, регулятив капитал ва биринчи даражасали

капиталнинг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талабларнинг даражаси оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Базель қўмитасининг тиҷорат банклари капиталининг етарлилиги бўйича меъёрий талабларни қабул қилган. 2015 йилда Марказий банк томонидан Базель қўмитасининг тиҷорат банклари капиталининг етарлилиги бўйича янги талаблари (Базель-III) қабул қилинди. Натижада, тиҷорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талаблар 2015 йилдан 2019 йилгacha босқичма-босқич ошириб борилди. 2019 йилнинг 1 январидан бошлиб, Ўзбекистон Республикаси тиҷорат банклари регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талаб 13,0 % қилиб, биринчи даражасали капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талаб 10,0 % қилиб белгиланди.

Айни вактда, Ўзбекистон Республикаси тиҷорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаши билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар мавжуд. Жумладан, тиҷорат банклари капиталининг таркибида девальвация

захираси мавжуд. Бундан ташқари, айрим тижорат банкларида рискка тортилган активлар суммасининг ўсии суръати регулятив капиталнинг ўсии суръатидан юқори.

Коронавирус пандемияси даврида тижорат банклари томонидан берилган кредитлар бўйича тўловларни 2020 йилнинг 1 апрелидан 1 октябринга қадар тўхтатилганинига банкларнинг ликвидлилиги ва молиявий барқарорлигига салбий таъсир кўрсатди. Бу эса, ўз навбатида, тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан салбий таъсирни юзага келтирди.

Мақолада Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган долзарб муаммолар аниқланган ва уларни ҳал қилишига қаратилган илмий таклифлар ишила биқилган.

Abstract. Ensuring the capital adequacy of commercial banks is a prerequisite for ensuring their solvency. Therefore, capital adequacy of commercial banks is one of the main objects of prudential banking supervision. In addition, the financial and economic crisis that erupted in the fourth quarter of 2008 necessitated an increase in the minimum requirements for capital adequacy of commercial banks. As a result, the Basel Committee, in its Basel III standard, raised the level of minimum capital adequacy requirements for commercial banks. In particular, the minimum capital adequacy requirements included the requirements for a protective conservation capital buffer, for a countercyclical capital buffer, and the levels of minimum requirements for regulatory capital adequacy and Tier 1 capital were increased.

The Central Bank of the Republic of Uzbekistan has adopted the minimum requirements of the Basel Committee for the capital adequacy of commercial banks. In

2015, the Central Bank of the Republic of Uzbekistan adopted new prudential requirements of the Basel Committee (Basel III) on capital adequacy of commercial banks. As a result, from 2015 to 2019, a gradual increase in the minimum requirements for capital adequacy of commercial banks was carried out. Since January 1, 2019, the minimum capital adequacy requirements for commercial banks have been established: for regulatory capital - 13.0; for Tier 1 capital – 10.0%.

At the same time, there are urgent problems related to ensuring the capital adequacy of commercial banks. In particular, there is a reserve for devaluation in the capital structure of commercial banks. In addition, in some commercial banks, the growth rate of risk-weighted assets exceeds the growth rate of regulatory capital.

During the coronavirus pandemic, payments on loans from commercial banks were suspended, which negatively affected the liquidity and financial stability of commercial banks. And this, in turn, had a negative impact on the capital adequacy of commercial banks.

The article identifies urgent problems related to ensuring the capital adequacy of commercial banks of the Republic of Uzbekistan and develops scientific proposals aimed at solving these problems.

Калим сўзлар. тижорат банки, капитал, капиталнинг етарлилиги, капиталдаги "тешик", капиталнинг рентабеллиги, актив.

Key words. commercial bank, capital, capital adequacy, "hole" in capital, return on equity, assets.

Кириш. Банкларнинг давлат ресурсларига қарамлигини пасайтириш, корпоратив бошқарувни такомиллаштириш ва халқаро амалий тажрибага эга бўлган менежерларни жалб

қилиш, банклардаги давлат акциялари пакетини зарур тажриба ва билимга эга бўлган инвесторларга танлов асосида сотиш Ўзбекистон Республикаси банк тизимини 2020-2025 йилларга мўлжалланган ислоҳ қилиш стратегиясининг устувор йўналишлари ҳисобланади [1]. Бу эса, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни тақозо этади. Ўз навбатида, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишнинг асосий масалаларидан бири бўлиб, регулятив капитал ва биринчи даражали капиталнинг етарлилигини таъминлаш ҳисобланади.

Айни вақтда, республикамиз тижорат банкларининг регулятив капитали ва биринчи даражали капиталининг етарлилигини таъминлаш банкларнинг регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан рискка тортилган активларининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш, тижорат банклари капиталининг рентабеллигини ошириш, банк акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш каби долзарб масалаларни ҳал қилиш заруриятини юзага келтиради.

Бир груп хорижлик иқтисодчи олимларнинг хулосасига кўра, капиталнинг етарлилигини таъминлаш капиталнинг қуйидаги функцияларини тўлақонли бажариш имконини беради:

- зарарлардан ҳимояланиш функцияси;
- молиявий ресурслар бозорларига чиқиш ва ликвидлилик муаммосидан кутилиш функцияси;
- мижозларнинг банкка бўлган ишончини қўллаб-куватлаш функцияси [2].

Материал ва метод. Хекманнинг кросс-секциявий селектив моделида тижорат банклари капиталидаги “тешиклар”ни ҳосил бўлиши банк операцияларининг муддатли таркибидаги мувозанатнинг бузилиши натижаси эканлиги асослаб берилган [3]. Ушбу модель маълум бир кўрсаткичнинг даражасини аниқловчи стандарт регрессион моделлардан, масалан, чизиқли моделлардан фарқ қиласди. Масалан, селектив моделлар ўрганилаётган объектни тўлиқсиз танловга (sample selection bias) киритиш имконини сақлаб қолади.

Хекманнинг селектив моделида иқтисодий агентларнинг икки гурухи – уй хўжаликлари ва компаниялар кўриб чиқилган бўлиб, ҳар бир груп учун номувозанатлиликнинг уч тури кўзда тутилган: 1 йилгача муддатдаги операциялар бўйича номузанатлилик; 1 йилдан 3 йилгача муддатдаги операциялар бўйича № 3 йилдан ортиқ муддатдаги операциялар бўйича номузанатлилик.

1-жадвал

“CAMELS” рейтинг тизимида тижорат банклари капитали етарлилигини баҳолаш мезонлари [4]

Рейтинг	Биринчи даражали капиталнинг етарлилик даражаси	Жами капиталнинг етарлилик даражаси	Чекловлар
1 – кучли	5 фоиздан анча юқори	10 фоиздан сезиларли даражада юқори	Активларнинг сифати камидаги 2; рискли активлар кўрсаткичи 11 фоиздан юқори эмас.

2 – қониқарли	5 фоздан сезиларли даражада юқори	10 фоиздан сезиларли даражада юқори	Активларнинг сифати 3 га тенг; рискли активлар кўрсаткичи чегараланмаган
3 – ўртача	5 % даражасида	10 % даражасида	Активларнинг сифати 4 га тенг; рискли активлар кўрсаткичи чегараланмаган
4 – чегаравий	5 фоздан сезларсиз даражада паст	10 фоиздан сезларсиз даражада паст	Кредитлар бўйича эҳтимолий йўқотишлар захираси суммаси дастлабки капитал суммасидан катта
5 – қониқарсиз	5 фоздан сезиларли даражада паст	10 фоиздан сезиларли даражада паст	Заарлар суммаси регулятив капитал суммасидан катта

Базель-I стандартига кўра, капиталнинг етарлилиги икки молиявий коэффициент орқали аниқланади: регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти ва биринчи даражали капиталнинг етарлилик коэффициенти. Бунда, иккинчи коэффициент биринчи коэффициентга қараганда муҳимроқ ҳисобланади. Чунки, тижорат банклари биринчи коэффициент бўйича меъёрий талабни бажарса, аммо, иккинчи коэффициент бўйича меъёрий талабни бажара олмаса, у ҳолда, банкнинг капитали етарли эмас, деб ҳисобланади [5].

Базель-II стандартига мувофик, тижорат банклари регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан минимал талаблар кредит, бозор ва операцион рискларнинг даражасидан келиб чиқсан холда ҳисобланади [6].

Базель-III стандартида тижорат банклари биринчи даражали капиталини икки қисмга ажратилиши муносабати билан капиталнинг етарлилигига нисбатан иккита янги меъёрий талаб пайдо бўлди:

– тижорат банкларининг биринчи даражали капитали икки қисмга, яъни биринчи даражали асосий капиталга ва

биринчи даражали қўшимча капиталга ажратилди;

– биринчи дараажли асосий капитал тижорат банки регулятив капиталининг 60 фоизидан кам бўлмаслиги керак;


– биринчи даражали капитал тижорат банки регулятив капиталининг 75 фоизидан кам бўлмаслиги керак [7].

Р.Беннет ва X.Уна томонидан амалга оширилган илмий тадқиқотда тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда капиталнинг брутто активларга нисбати, капиталнинг рентабеллиги (ROE), активларнинг динамикасидан фойдаланилган [8].

Биз тадқиқот жараёнида тижорат банклари капиталининг етарлилигини баҳолашда асосий эътиборни молиявий таҳлилнинг қиёсий, таркибий ва трендли таҳлили усулларида ҳамда капиталнинг рентабеллиги динамикасининг таҳлилига қаратамиз.

Натижалар. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг “Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисида”ги йўриқномасига асосан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган

минимал меърий талаблар босқичмабосқич ошириб борилди (1-расм).



1-расм. Ўзбекистон тижорат банклари капиталнинг етарлилигига нисбатан пруденциал меърларнинг ўзгариши [9]

1-расмда келтирилган маълумотлардан яққол кўринадики, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал меърий талаблар 2015 йилнинг 1 сентябридан 2019 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда босқичмабосқич ошириб борилган. Бу эса, тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш нуқтаиназаридан ижобий ҳолат ҳисобланади.

Тижорат банклари капиталининг етарлилиги капитални банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбати тариқасида аниқланганлиги сабабли капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш банклар капиталининг етарлилигини таъминлашнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади.

2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капитал ва активларнинг рискка тортилган суммасининг йиллик ўсиш суръатлари, фоизда [10]

Кўрсаткичлар	2017 й.	2018 й.	2019 й.	2020 й.	2021 й.
Регулятив капиталнинг ўсиш суръати	250,7	119,1	229,6	105,6	106,5
Активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати	259,7	118,5	128,3	130,3	118,7

2-жадвалда келтирилган маълумотлар яққол кўрсатадики, ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда


регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги

мутаносиблик таъминланмаган. Масалан, 2017, 2020 ва 2021 йилларда активларнинг рискка тортилган суммасининг ўсиш суръати регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори

Эътироф этиш жоизки, тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлашнинг долзарб масалаларидан

бўлган. Бу эса, Миллий банк капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Бири бўлиб, капиталнинг рентабеллигини таъминлаш масаласи ҳисобланади.



2-расм. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкида регулятив капиталнинг рентабеллиги, фоизда [11]

2-расмда келтирилган маълумотлардан қўринадики, ТИФ Миллий банкида 2018-2020 йилларда капиталнинг рентабеллиги пасайиш тенденциясига эга бўлган. Бунинг устига, капиталнинг рентабеллиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган. Мазкур ҳолатлар капиталнинг етарлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Капиталнинг рентабеллик даражаси, халқаро банк амалиётида умумэътироф этилган мезонга кўра, камида 15 фоизга тенг бўлиш керак. Ана шунда банк акцияларининг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш имконияти юзага келади.

Мунозара. Тадқиқот натижаларидан маълум бўлди, ТИФ Миллий банкида сўнгги йилларда активларнинг рискка тортилган

суммасининг ўсиш суръатини регулятив капиталнинг ўсиш суръатидан юқори бўлганлиги регулятив капиталнинг етарлилигини таъминлашни жиддий хавф остига қўяди. Мазкур кўрсаткичлар ўртасидаги мутаносибликни таъминламаслик келгусида Миллий банк капиталининг етарлилигини таъминлаш бўйича ўрнатилган меъёрий талабларни бажарилмаслигига олиб келиши мумкин.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида ТИФ Миллий банкида капиталнинг рентабеллиги кўрсаткичини пасайиш тенденциясига эга эканлиги ва умумэътироф этилган меъёрий талаб даражасидан паст эканлиги маълум бўлди. Бу эса, Миллий банк капиталининг етарлилигини таъминлаш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Хулоса. Тадқиқотни амалга ошириш жараёнида қуйидаги хулосаларни шакллантиридик:

– тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш мамлакат банк тизимини 2020-2025 йилларга мўлжалланган ислоҳ қилиши стратегиясининг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади;

– Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки томонидан тижорат банклари капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал меъёрий талабларни 2015 йилнинг 1 сентябридан 2019 йилнинг 1 январига қадар бўлган даврда босқичма-босқич ошириб борилганлиги банкларнинг капиталлашиш даражасини оширишда муҳим роль ўйнади;

– ТИФ Миллий банкида 2017-2021 йилларда регулятив капиталнинг ўсиш суръати билан активларнинг риска тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносиблик таъминланмаган;

– ТИФ Миллий банкида 2018-2020 йилларда капиталнинг рентабеллиги пасайиш тенденциясига эга бўлгани ҳолда, капиталнинг рентабеллиги 2021 йилда 2017 йилга нисбатан сезиларли даражада пасайган.

Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари капиталининг етарлилигини таъминлаш билан боғлиқ бўлган муаммоларни ҳал қилиш мақсадида қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилиши мақсадга мувофиқdir:

1. Тижорат банклари регулятив капиталининг ўсиш суръати билан активларнинг риска тортилган суммасининг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш мақсадида,

биринчидан, кредитларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмофининг ўзгариши билан регулятив капиталнинг брутто пассивлар ҳажмидаги салмофининг ўзгариши ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак; иккинчидан, юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинадиган инвестициялар ҳажмини ошириш орқали даромад келтирадиган рисксиз активларнинг брутто активлар ҳажмидаги салмофининг барқарор даражасини таъминлаш лозим; учинчидан, талаб қилиб олинадиган депозитларнинг барқарор қолдигини рискли активларга инвестиция қилишни таъқиқловчи меърий талабни жорий қилиш зарур; тўртинчидан, ТИФ Миллий банкини давлат тараққиёт банки вазифасини бажараётганлиги ва давлат дастурларидаги фаол иштирокини ҳисобга олган ҳолда, давлат маблағлари ҳисобидан шакллантириладиган субординар қарз ҳисобига унинг иккинчи даражали капитали миқдорини кўпайтириш лозим.

2. Тижорат банклари капиталининг рентабеллигини меъёрий ва барқарор даражасини таъминлаш учун, биринчидан, соф фоизли спрэд ва соф фоизли маржа кўрсаткичининг меъёрий даражаларини таъминлаш йўли билан соф фойда миқдорининг барқарорлигига эришиш лозим; иккинчидан, соф фойданинг ўсиш суръати билан регулятив капиталнинг ўсиш суръати ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш керак; учинчидан, акцияларнинг инвестицион жозибадорлигини таъминлаш орқали қўшилган капиталнинг биринчи даражали капитал таркибидаги салмофининг юқори ва барқарор даражасини таъминлаш керак.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 12 майдаги ПФ-5992-сонли Фармони. 2020-2205 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида/ҚҲММБ: 06/20/5992/0581-сон. 13.05. 2020 й.
2. Лаврушин О.И., Мамонова И.Д., Валенцева Н.И. Банковское дело; 5-е изд. – М.: Кнорус, 2007. – С. 286.
3. Heckman J. Sample Selection Bias as a Specification Error//Econometrica. – 1979. – Vol. 47(1). – pp. 153–161.
4. Supervision and Regulation. CAMELS rating system. <https://www.federalreserve.gov>.
5. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital standards. – Basel, 1998. <http://www.bis.org/publications>.
6. Basel Committee on banking supervision. International convergence of capital measurement and capital standards. Basel-II, 2006. <http://www.bis.org/publications>.
7. Basel Committee on banking supervision. Basel-III: A global regulatory framework for more resilient banks and banking systems-Basel-III, 2010. <http://www.bis.org/publications>.
8. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори. Тижорат банклари капиталининг монандлигига қўйиладиган талаблар тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида. 2015 йил 13 июнь №14/3//Ўзбекистон қонун хужжатлари тўплами. – Тошкент, 2015. - №27 (683). – Б.17-29.
9. Жадвал ТИФ Миллий банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган моливий ҳисботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.
10. Расм ТИФ Миллий банкининг 2017-2021 йиллар якуни бўйича эълон қилинган молиявий ҳисботлари маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.